

Икки ҳайит намозида машруъ бўлган зикрлар

12:14 / 08.08.2019 2672

Икки ҳайит кечасида Аллоҳнинг зикри, намоз ва бошқа тоатлар билан машғул бўлиш мустаҳабдир. Ҳадисда ворид бўлганидек, «Ким ҳайит кечаларини ихё қилса (уйғоқ ўтказса), қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмайди» ёки «Ким икки ҳайит кечасида Аллоҳ учун савоб умид қилган ҳолда қойим бўлса, қалблар ўладиган пайтда унинг қалби ўлмайди». *Шофеъий ва Ибн Можалар заиф иснод ила ривоят қилишган.*

Икки ҳайит кунлари такбир айтиш ҳам мустаҳаб. Фитр (Рамазон) ҳайити куни уйдан чиққанидан то намозгоҳга келгунча такбир айтилади. Қурбон ҳайитида эса, арафа кунининг бомдодидан бошлаб то ташриқ куни охиригача (асрдан кейингача) айтади.

Такбир қуйидагича айтилади:

«Аллоҳу акбар Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд».

Маъноси: Аллоҳ улуғдир, Аллоҳ улуғдир, Аллоҳ улуғдир. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Аллоҳ улуғдир, Аллоҳ улуғдир. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Баъзилар:

«Аллоҳу акбар кабийрон, валҳамду лиллаҳи касийрон ва субҳаналлоҳи букротан ва асийла, Лаа илаҳа иллаллоҳ ва ла наъбуду илла иййаҳу мухлисийна лаҳуддийна ва лав карихал кафирун, Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу содақо ваъдаҳу ва насороъабдаҳу ва ҳазамал аҳзаба ваҳдаҳу Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтса ҳам яхши», дейишган.

Маъноси: Аллоҳ улуғларнинг улуғидир, унга кўп ҳамдлар бўлсин. Эртаю кеч Аллоҳни поклаб ёд этурман. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унга ибодат қилиб, Унинг динида холис бўламиз, гарчи кофирлар карих кўрсалар ҳам. Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Аллоҳ улуғдир.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан